



**“Бетакроримсан, ягонасан,  
она Ватаним –  
Ўзбекистоним!”**

## Мустақилликнинг моҳияти

**1-савол:** “Мустақиллик”, “бетакрор”, “ягона”, “Она Ватан” деганда нимани тушунасизлар?

**2-савол:** Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик? Мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлида 24 йил давомида амалга оширилган ишларни бунёдкорлик, ривожланиш нуқтаи назаридан шарҳлаб беринг.

**3-савол:** Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ким учун ва нима учун қилинаяпти деб ўйлайсиз?

# “Бетакроримсан, яғонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!”



(Белгини босинг)



**Ватан** сўзи кенг маъноли бўлиб, инсон туғилиб ўсган жой, макон маъносини англатади.

Шунингдек, сиз яшаётган **оила – маҳалла – қишлоқ - шаҳар** ҳам Ватан ичидаги кичик Ватан ҳисобланади.

Онамиз яғона бўлганидек **Ватан** ҳам яғонадир. Шунинг учун ҳам **Ватан** яғона, бетакрор деб **Онага** қиёсланади.



## Ким эдигу?

### 1990 йилга қадар

1980 йилларда республикамызда 107 та пахта тозалаш заводи, 409 та куришиш тозалаш цехларига эга бўлган пахта пунктлари ишларди.

Республикамыз эса тўқимачилик саноати етиштирган пахта толасининг атиги 10%ни қабул қилиш ва тайёр маҳсулотга айлантриш имкониятига эга эди.



## Ким бўлдиқ?

### Бугунги кунда

Қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати ривожу учун кенг йўл очиб берилгани, бугунги кунда фермер хўжаликларимиз нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92%ни етиштираётгани, балки қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олган қудратли ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланди.



## Ким эдигу?

### 1990 йилга қадар

Аҳолини уй жога бўлган эҳтиёжи деярли қондирилмасди.

Сотиш учун 319 та автомашина ажратилганида, шулардан 236 таси районда яшамайдиган, жумладан, бошқа республикаларда истиқомат қиладиган кишиларга ғайриқонуний тарзда тақсимланган, уй-жой тақсимлаш тартиби кўпол тарзда бузилган, газлаштириш, сув таъминоти, ишга жойлаштириш масалалари йиллар мобайнида ҳал бўлмай қолаверган.



## Ким бўлдиқ?

### Бугунги кунда

2009 – 2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида 23,6 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй – жойлар қурилди ва фойдаланишга топширилди.

2013 йилда 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 17 фоиз кўпдир.

Ушбу мақсадлар учун қарийб 650 млн. доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Бунинг 106 млн. доллари Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағларидир.



## Ким эдигу?

1990 йилга қадар

Туғилаётган чақалоқларнинг кўпчилиги мажруҳ бўлиб туғиларди. “Экосан” халқаро жамғармасининг маълумотларига кўра, мустақилликка қадар Ўзбекистонда йилига 35000 нафар туғилган чақалоқлар бошининг ўлчами нормадан кичик бўлиб туғилганлиги ўта ачинарли ҳолат бўлсада, бу ҳақда айтилмасди ҳам, ёзилмасди ҳам.

Биргина *пестицид* туфайли жигар касаллиги, болалар касаллиги, ҳомиладор аёлларнинг ҳам камқонлик касаллигига дучор бўлганлиги, мажруҳ фарзандлар туғилиши кўпайиб кетган эди. Тиббиёт соҳасида битта шприц билан ўнлаб инсонларга хизмат кўрсатиларди.



## Ким бўлдик?

Бугунги кунда

Мамлакатда тизимли таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминлаш даражасини ошириш улкан самаралар бермоқда.

Кенг кўламли ишларнинг натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,2 ёшга етди.

Биз ушбу кўрсаткич бўйича дунёнинг ривожланган давлатлари даражасига яқинлашдик.



## Ким эдигу?

### 1990 йилга қадар

1985 йилда қарийб 2 миллион гектар ерга ғўза экилган.

Пахта хом ашёси шу йилларда 2,3 миллион тоннадан 5,4 миллион тоннага етган.

1985 йилда республикамызда 387,9 минг тонна буғдой етиштирилган.

(Белгини босинг)



## Ким бўлдик?

### Бугунги кунда

Мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,6 карра, картошка – 1,7 марта, сабзавот – 2 баробардан ортиқ, мева – қарийб 4 карра кўпайганини эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида талқин этиш мумкин.




## ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР

Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти **5,5 баробардан** кўпроқ ўсди, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб **9 баробар ошди**, бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга **190 млрд. доллар** ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, **65 млрд. доллардан** ортиқ хорижий сармояларни жалб этилди.




## ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР



Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолида  
юртимизда етиштирилган маҳсулотлар улуши  
(фоизда)

Дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари  
кескин тушиб кетган бир вақтда  
**ЎЗБЕКИСТОНДА**



Истеъмол нархларнинг индекси.

## ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР

Ўзбекистон бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши **25 фоизга** етган, экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларнинг **60 фоиздан ортиғи** юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланган.

Мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг **56 фоиздан** ортиғини ишлаб чиқармоқда. Мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг **75-77 фоизи** меҳнат қилмоқда.

Ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига **4 марта ўсди** ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич **6,5 минг АҚШ доллари**дан зиёдни ташкил этади.



## ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР



Мустақиллик йилларида юртимизда биз учун мутлақо янги бўлмиш автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга ҳамда нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги sanoat тармоқларига асос солинди.

Уй-жой, йўл қурилиши, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳаларида кўплаб муваффақиятлар қўлга киритилди.



(Белгини босинг)



# Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?

Бугунги кунда республикада **9698** та **умумтаълим мактаблари** мавжуд бўлиб, уларда **4 520 826** нафар ўқувчилар таълим-тарбия олади.

Мустақиллик даврида **7898** та умумтаълим мактабларида **2** трлн. **187,9** млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Янги қурилиш

428 та

Капитал реконструкция

3227 та

Капитал таъмир

4243 та



# Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?

Бугунги кунда республикада **278** та **болалар муסיқа ва санъат мактаблари** мавжуд бўлиб, уларда **56 926** нафар ўқувчилар таълим-тарбия олади.

Мустақиллик даврида **278** та болалар муסיқа ва санъат мактабларида **609** млрд. сўмлик қурилиш–таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Янги қурилиш

136 та

Реконструкция

142 та



## Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?

Сўнги 5 йилда **523** та спорт иншооти ва **100** дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилди ва реконструкция қилинди.

Шунингдек, **2** млн.дан ортиқ ўқувчилар (шундан 840 мингдан ортиғи қизлар) мунтазам равишда спорт билан шуғулланишади.

Мустақиллик даврида **1701** та спорт объектларида қурилиш–таъмирлаш ишлари амалга оширилди.



## МУҲОКАМА УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

### **Топшириқ.**

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг мазмун-моҳиятини шарҳланг.

### **Топшириқни бажариш тартиби:**

- саволни кичик гуруҳда муҳокама қилинг;
- умумлашган жавоб вариантларини ҳосил қилинг;
- ватман қоғозига тақдимот учун материалларни жойланг.

Топшириқни бажаришга ажратилган вақт: 5 дақиқа.

## «Ўзбек модели»

Сизнингча,  
бу ривожланиш  
йўлининг ютуғи  
нимада ?

Нима деб  
ўйлайсиз, ўзбек  
модели ёшларга  
нима берди?

Нима учун  
мамлакатимизнинг  
иқтисодий ривожланиш  
йўли жаҳон ҳамжамияти  
томонидан  
“Ўзбек модели”  
деб тан олинди?

“Ўзбек модели”ни  
амалга оширишда  
ёшларнинг  
ҳиссаси нимада  
бўлди деб  
ўйлайсиз ?

Айтингчи, ўзбек  
модели қандай  
тамойиллар  
асосида амалга  
оширилди?



Ҳаётимизда амалга  
оширилаётган бундай  
ўзгаришлар нимани  
англатади?

Мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва изчил ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётганидан, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради.

## ЎЗБЕКИСТОН – ДУНЁ НИГОҲИДА

Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, хусусан, жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда кейинги 3 йилда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз **5-ўринни** эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган “Бутунжаҳон бахт индекси”да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида **44-поғонани**, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида **1-ўринни** эгалламоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон қўлга киритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганлигидир.



## ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

### Диний экстремизм ва халқаро терроризм – жамият барқарорлигига таҳдид.

Тинчликни асраш ҳушёрлик ва огоҳликни талаб қилади.

Сиёсий ҳокимиятга интилаётган, диний шиорларни ниқоб қилиб олган ақидапараст оқимлар Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқда.

Сўнгги йилларда “жиходчилар”, сохта “салафийлар” каби диний-сиёсий гуруҳлар, шунингдек, “Хизбут таҳрир” диний-экстремистик гуруҳи республикада фаол ҳаракат қилишга уринмоқдалар. Улар оиламиз тинчлиги, юртимиз фаровонлигини бузишга ҳаракат қилмоқда. Юртимиздаги бахтли болаларини бахтсиз қилишга интилмоқда.



# ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ ЎЗБЕКИСТОН!



**1-модда.** Ўзбекистон – суверен демократик республика.

**49-модда.** Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

**52-модда.** Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.



Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,  
Ҳам оқ ювиб-тарагансан ўзинг бизни.  
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,  
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.  
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,  
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

**Муҳаммад Юсуф.**